


# ФУНДАМЕНТАЛ ВА КЛИНИК ТИББИЁТ АХБОРОТНОМАСИ

# BULLETIN OF FUNDAMENTAL AND CLINIC MEDICINE

2025, №6 (20)

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

# BULLETIN OF FUNDAMENTAL AND CLINIC MEDICINE

# ФУНДАМЕНТАЛ ВА КЛИНИК ТИББИЁТ АХБОРОТНОМАСИ

# ВЕСТНИК ФУНДАМЕНТАЛЬНОЙ И КЛИНИЧЕСКОЙ МЕДИЦИНЫ

Научный журнал по фундаментальным и клиническим проблемам медицины
**основан в 2022 году**
Бухарским государственным медицинским институтом имени Абу Али ибн Сино
выходит один раз в 2 месяца

***Главный редактор – Ш.Ж. ТЕШАЕВ***

**Редакционная коллегия:**
***С.С. Давлатов (зам. главного редактора),***
***Р.Р. Баймурадов (ответственный секретарь),***
***М.М. Амонов, Г.Ж. Жарилкасинова,***
***А.Ш. Иноятов, Д.А. Хасанова, Е.А. Харибова,***
***Ш.Т. Уроков, Б.З. Хамдамов***

***Учредитель Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сино***

**2025, № 6 (20)**

**ISSN 2181-4198**

## Адрес редакции:

*Республика Узбекистан, 200100, г. Бухара, ул. Гиждуванская, 23.*

***Телефон*** *(99865) 223-00-50*
***Факс*** *(99866) 223-00-50*
***Сайт*** *https://bsmi.uz/journals/fundamenial-va- klinik-tibbiyot-ahborotnomasi/*
***e-mail*** *baymuradovravshan@gmail.com*

## О журнале

*Журнал зарегистрирован в Управлении печати и информации Бухарской области № 1640 от 28 мая 2022 года.*

*Журнал внесен в список утвержденный приказом № 370/6 от 8 мая 2025 года реестром ВАК в раздел медицинских наук.*

Отпечатано в типографии ООО “Шарк-Бухоро”. г. Бухара, ул. Ўзбекистон Мустакиллиги, 70/2.

## Редакционный совет:

Абдурахманов Д.Ш. (Самарканд)
Абдурахманов М.М. (Бухара)
Ахмедов Р.М. (Бухара)
Баландина И.А. (Россия)
Бахронов Ж.Ж. (Бухара)
Бернс С.А. (Россия)
Газиев К.У. (Бухара)
Деев Р.В. (Россия)
Дустова Н.К. (Бухара)
Зокирова Н.Б. (Ташкент)
Казакова Н.Н. (Бухара)
Калашникова С.А. (Россия)
Каримова Н.Н. (Бухара)
Курбонов С.С. (Таджикистан)
Маматов С.М. (Кыргызстан)
Мамедов У.С. (Бухара)
Мирзоева М.Р. (Бухара)
Миршарапов У.М. (Ташкент)
Набиева У.П. (Ташкент)
Нуралиев Н.А. (Хорезм)
Наврузов Р.Р. (Бухара)
Нарзиева Д.Ф. (Бухара)
Орипов Ф.С. (Самарканд)
Орипова Ф.Ш. (Бухара)
Одилова Г.Р. (Бухара)
Раупов Ф.С. (Бухара)
Рахмонов К.Э. (Самарканд)
Рахметов Н.Р. (Казахстан)
Рахматова С.Н. (Бухара)
Султонова Л.Дж. (Бухара)
Сайдуллаев З.Я. (Самарканд)
Удочкина Л.А. (Россия)
Файзиев Х.Б. (Бухара)
Хамдамова М.Т. (Бухара)
Хамдамов И.Б. (Бухара)
Ходжаева Д.Т. (Бухара)
Худойбердиев Д.К. (Бухара)
Шодиева М.С. (Бухара)
Эшонов О.Ш. (Бухара)

УЎК 633.88

**DOI** https://doi.org/10.5281/zenodo.17722222

# ЦИСТАНХЕ (CISTANCHE) ЎСИМЛИГИНИНГ МОРФОЛОГИК, БИОКИМЁВИЙ ВА ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Эшонкулов А.Х.**

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро ш., Ўзбекистон

***Резюме.*** *Мақолада Cistanche уруғига мансуб ўсимлик турларининг морфологик хусусиятлари, кимёвий таркиби ҳамда шифобахш таъсир механизмлари илмий нуқтаи назардан кўриб чиқилган ва ўсимликнинг фармакологик аҳамияти таҳлил қилинган. Цистанхе паразит ўсимлик бўлиб, асосан қуруқ, чўл ҳудудларида ўсади ва илдиз тизими орқали бошқа ўсимликлардан озуқа олади. Унинг таркибидаги фенилэтаноид гликозидлар ва флавоноидлар юқори антиоксидант фаолликка эга бўлиб, инсон саломатлиги учун муҳим аҳамият касб этади.*

***Калит сўзлар:*** *Cistanche deserticola, фенилэтаноид гликозидлар, антиоксидант, нейропротектор, фитотерапия.*

# MORPHOLOGICAL, BIOCHEMICAL AND MEDICINAL PROPERTIES OF THE PLANT CISTANE (CISTANCHE)

**Eshonkulov A.X.**

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sino, Bukhara, Uzbekistan

***Resume.*** *This article examines the morphological features, chemical composition, and mechanisms of medicinal action of plant species of the genus Cistanche from a scientific perspective, and also analyzes the plant's pharmacological significance. Cistanche is a parasitic plant that grows primarily in arid desert regions and feeds on other plants through its root system. The phenylethanoid glycosides and flavonoids it contains possess high antioxidant activity and are of great importance for human health.*

***Keywords:*** *Cistanche deserticola, phenylethanoid glycosides, antioxidant, neuroprotector, phytotherapy.*

# МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ, БИОХИМИЧЕСКИЕ И ЛЕЧЕБНЫЕ СВОЙСТВА РАСТЕНИЯ ЦИСТАНХЕ (CISTANCHE)

**Эшонкулов А.Х.**

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сино, г. Бухара, Узбекистан

***Резюме.*** *В статье рассматриваются морфологические особенности, химический состав и механизмы лекарственного действия видов растений рода Cistanche с научной точки зрения, а также анализируется фармакологическое значение растения. Cistanche – паразитическое растение, произрастающее преимущественно в засушливых, пустынных регионах и питающееся другими растениями посредством корневой системы. Содержащиеся в нём фенилэтаноидные гликозиды и флавоноиды обладают высокой антиоксидантной активностью и имеют большое значение для здоровья человека.*

***Ключевые слова:*** *Cistanche deserticola, фенилэтаноидные гликозиды, антиоксидант, нейропротектор, фитотерапия.*

e-mail: eshonkulov.alijon@bsmi.uz

**Кириш.** Табиатда баъзи ўсимликлар борки, улар ҳақиқий мўъжизадир. Ана шундай неъматлардан бири — Цистанхе, яъни “чўл женьшени”. Бу ўсимлик қаттиқ иқлим шароитида ҳам яшай олади ва одам организми учун жуда фойдали моддаларга бой. Цистанхе инсонга куч, энергия ва руҳий барқарорлик беради. Унинг асосий афзаллиги- мия фаолиятини яхшилаш ва чарчоқни йўқотишда. Шунингдек, у иммунитетни мустаҳкамлаб, қариш жараёнини секинлаштиради. Ҳозирда Цистанхе Хитой, Корея ва Японияда “табиий энергия манбаи” сифатида капсула ёки чай шаклида сотилади. Табиий, безарар ва самарали бўлгани учун бу ўсимликка қизиқиш дунё бўйлаб ортмоқда.

Цистанхе (*Cistanche*)-*Orobanchaceae* оиласига мансуб паразит ўсимлик бўлиб, чўл ва ярим чўл ҳудудларда ўсади. *Cistanche* Хитой, Мўғулистон ва Марказий Осиёда кенг тарқалган. Ўсимликнинг Бухоро вилоятида *Cistanche L.* туркумининг 3 тури (*C ambigua* (Bunge) Beck, *C flava* C. A. Mey. ва *C salsa (C.A. Mey.)Beck*) (1-расм) турлари тарқалган. [1,6]. Цистанхе анъанавий шарқ тиббиётида “чўл

женьшени” номи билан маълум бўлиб, куч-қувват ошириш, чарчоқни камайтириш ва иммунитетни мустаҳкамлаш мақсадида қўлланилган [2]. Цистанхе 15–60 см баландликда бўлиб, илдизсиз паразит хусусиятга эга. Унинг илдизи саксаул (*Haloxylon*) илдизларига бириккан ҳолда озуқа олади. Гуллари сариқ ёки қўнғир рангли, майин хушбўйликка эга. Барглари майда, танаси сув сақловчи паренхимадан ташкил топган бўлиб, қуруқ иқлимга мослашган.



**1-расм**. ***C flava*** **C. A. Mey.,** ***C ambigua*** **(Bunge) Beck ва** ***C salsa (C.A. Mey.)Beck*****)**

**Биокимёвий таркиби.** Цистанхенинг асосий фаол моддалари: фенилэтаноид гликозидлар (эхинакозид, актеозид) бўлиб, улар антиоксидант, нейропротектор ва қаришга қарши таъсир кўрсатади. Шунингдек, флавоноидлар, полисахаридлар ва аминокислоталар ҳам таркибида учрайди. Цистанхе ўсимлигининг асосий фаол моддалари ва таъсири қуйидагилардан иборат:

- Фенилэтаноид гликозидлар: эхинакозид, актеозид-антиоксидант ва қаришга қарши таъсир кўрсатади [3];
- Флавоноидлар - ҳужайраларни оксидланиш стрессидан ҳимоя қилади;
- Полисахаридлар - иммун тизим фаоллигини кучайтиради;
- Аминокислоталар ва минераллар - умумий метаболик жараёнларни қўллаб-қувватлайди.

**Цистанхенинг фармакологик хусусиятлари.** Замонавий тадқиқотлар натижасида Цистанхе ўсимлигининг қуйидаги фармакологик таъсирларини аниқлаган:

1. Нейропротектор таъсир - нейронларни оксидланиш стрессидан ҳимоялайди, эслаб қолиш қобилиятини яхшилайди [4];
2. Антиоксидант фаоллик - эркин радикалларни нейтраллаштириб, қариш жараёнини секинлаштиради;
3. Афродизиак таъсир - эркакларда тестостерон секрециясини оширади ва эркаклар репродуктив саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади[5];
4. Имуномодулятор таъсир - иммун тизимни фаоллаштиради ва яллиғланиш жараёнларини камайтиради;
5. Гепатопротектор таъсир - жигар фаолиятини тиклашга ёрдам беради.

**Қўлланилиши ва хавфсизлик чоралари.** Цистанхе анъанавий тиббиётда дамлама, чой, порошок ёки капсула кўринишида қўлланилади. Таркибидаги антиоксидант моддалар иммун тизимини мустаҳкамлашга ёрдам беради, Хитой тиббиётида бел оғриқлари, кучсизлик, сезгирлик каби ҳолатларда қўлланилган. “бўйракни қувватлантирувчи” ўсимлик сифатида қўлланилади. Цистанхе таркибида табиий ювувчи (лаксатив) моддалар борлиги сабабли енгил ич қотишда ёрдам беради ва

нейропротектор таъсири борлиги айтилган. Ёши катта инсонларда хотира ёмонлашувига қарши ёрдам беради ва маҳаллий анъанавий тиббиётда либидо ошириши сабабли, эркак кучсизлиги (импотенция)да қўлланилади. Тавсия этилган дозаси шифокор маслаҳатига мувофиқ белгиланади. Ҳомиладор ва эмизикли аёллар, шунингдек қон босим паст бўлган шахслар уни эҳтиёткорлик билан қабул қилишлари лозим. Чунки цистанхе қон босимини тушуриши мумкин.

**Хулоса.** Цистанхе (*Cistanche*) - биологик фаол моддаларга бой, ноёб шифобахш ўсимлик бўлиб, унинг антиоксидант ва нейропротектор таъсирлари илмий жиҳатдан тасдиқланган. Цистанхенинг таркиби табиий биологик фаол моддаларга бой бўлиб, унинг таркибидаги гликозидлар тиббиёт ва фармацевтика соҳаларида кенг қўлланилиши мумкин. Цистанхе - табиатдаги ноёб шифобахш ўсимликлардан бири бўлиб, унинг илмий жиҳатдан ўрганилиши келгусида янги табиий дори воситалар яратишга замин яратибгина қолмасдан, Цистанхе асосидаги табиий препаратлар келгусида геронтология ва фитотерапия соҳаларида катта амалий аҳамият касб этади.

**Адабиётлар рўйхати:**


1. Эшонкулов Алижон Хайдарович. Cıstanche flava c.a.mey. –цистанхенинг этноботаник маълумотлари World of Science May, 2024. Volume - 7, Issue - 5166. https://bestpublication.org/index.php/wos/article/view/11615
2. Li, C., & Ma, Z. (2018). Phytochemical and pharmacological studies on Cistanche deserticola. Journal of Ethnopharmacology, 220, 451–460.
3. Jiang, Y., et al. (2020). Antioxidant and neuroprotective effects of phenylethanoid glycosides from Cistanche. Frontiers in Pharmacology, 11, 534.
4. Zhang, L., & Liu, X. (2019). Traditional uses and modern pharmacology of Cistanche species. Chinese Herbal Medicine, 11(3), 212–220.
5. Хакимов, А. (2022). Марказий Осиёда учрайдиган паразит ўсимликларнинг шифобахш хусусиятлари. Ўзбекистон Биология Журнали, №4, 75–82.
6. Esanov, H. K., Murodov, S. A., Aslonova, K. A., & Qurbonova, N. H. (2022). Some Comments on the Types of Series Cistanche Hoffmanns. & Link, Distributed in Bukhara Region (Uzbekistan). American Journal of Plant Sciences, 13(7), 1063-1069.



**Иқтибос учун:** Эшонкулов А.Х. Цистанхе (cistanche) ўсимлигининг морфологик, биокимёвий ва шифобахш хусусиятлари // Фундаментал ва клиник тиббиёт ахборотномаси. – 2025. – № 6(20). – Б. 393–395. doi: https://doi.org/10.5281/zenodo.17722222